

Sunnatulla Z. ABDULLAEV,
Junior Researcher of the Imam Maturidi
International Scientific Research Center:
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: sunnatulloh0825@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/4

УСУЛ АЛ-ФИҚҲ ИЛМИДА
РУКНУДДИН УБАЙДУЛЛОҲ ИЛМИЙ
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ

THE SIGNIFICANCE OF THE
SCIENTIFIC HERITAGE OF RUKNUDDIN
UBAYDULLAH IN THE SCIENCE OF
USUL AL-FIQH

ВАЖНОСТЬ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ
РУКНИДДИНА УБАЙДУЛЛАХА ДЛЯ
НАУКИ «УСУЛ АЛ-ФИҚХ»

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач миллий-диний кадриятларимизнинг тикланиши ва узоқ ўтмишда яшаб, ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг барча соҳаларида кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Бинобарин, буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда улар қолдирган бой маънавий меросларни ўрганиб тадқиқ қилишда мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, бу йўналишдаги тадқиқотлар жамият учун ҳар томонлама муҳим бўлган комил инсонларни тарбиялаш, қолаверса жамиятда соғлом диний муҳитни шакллантиришда ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин, бизнинг мамлакатимиздек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак» деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Ҳадисшунослик, фикҳ, тафсир, ислом тарихи каби илмларга пойдевор ўларок, дебоча

сифатида хизмат қиладиган, Қуръон карим ва ҳадис наслларининг моҳиятини очиб берувчи, мужтаҳидлар учун турли ҳукмларни чиқаришда ёрдам берувчи, уларнинг дастгоҳи ўрнида хизмат қиладиган усул ал-фикҳ илми эътиборга молик. Шу сабабли, усул ал-фикҳ илмига оид манба ва қўлёзмалар устида изланиш олиб бориш ҳам ўзига хос характерга эга иш ҳисобланади. Чунки, ислом тарихи давомида ўтган олимларнинг кўпчилиги, жумладан «Китоб ал-усул» асари муаллифи Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос (304-371/917-981 й.), «Тақвим ал-адилла» асари муаллифи Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий (367-430/978-1039 й («Китоб ал-усул» асари муаллифи Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Баздавий (400-482/1010-1089 й.), «Тамҳид ал-фусул фи ал-усул» асари муаллифи Имом Шамсул-аймма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 501/1108 й.), «ал-Манор» асари муаллифи Абдуллоҳ ибн Аҳмад Ҳофизуддин Насафий (ваф. 710/1310 й.) ва бошқалар усул ал-фикҳга доир улкан кутубхона яратиб, ўзларининг асарлари, уларга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар билан бойитганлар.

Ҳозирги кунгача ушбу улкан меросни ўрганиш ва усул илмининг асл моҳиятини очиб беришда VII/XIII асрда яшаб ижод қилган, ўз даврининг кўзга кўринган етук алломаси ҳисобланган шайх Рукнуддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда усул ал-фикҳ ва бошқа илмлар борасида ёзиб қолдирган асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа усул илми мутахассислари каби аллома Рукнуддин Убайдуллоҳ Самарқандий ҳам шариат буйруқларини бажаришда кўп бора дуч келинадиган муаммоларни ҳал этишга эътиборини қаратган. Шу сабабли, бандаларнинг Аллоҳ таолога ибодат қилишдаги лаёқати ва масъулиятига тааллуқли мавзуларни чуқур ўрганган. Чунки, баъзи ҳукмлар инсон қудрати ва иродасидан ҳоли бўлиб, банда ўша ҳукмларни тўлақонли ёки бир қисмини бажара олмай қолиши мумкин. Бу ўринда усул олимлари ўз ижтиҳодлари ва кўникмаларини ишга солган ҳолда, маълум бир мавзуда ёки тўлиқ бир китоб шаклида асарлар таълиф этиб, муаммоларни бартараф этишга уринишган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мовароуннаҳрлик олим, фикҳ ва усул ал-фикҳ олими, муҳаддис, мутакаллим, балоғат

Аннотация. Мовароуннахр, Хуросон диёрларида VII/XIII асрда яшаб ижод қилган, ўз даврининг кўзга кўринган етук алломаси ҳисобланган Рукниддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий усул ал-фиқҳ ва бошқа илмларда улкан мерос қолдирган. Олим томонидан ёзилган асарлар унинг қанчалик даражада дунёқараши кенг, маърифати улуг инсон эканини кўрсатади. Ҳозирги кунга қадар унинг қўлёзма шаклдаги асарлари тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, ҳанафий фиқҳи ҳамда мотуридийлик таълимотига оид бирламчи манбалар қаторидан жой олган.

Рукниддин Убайдуллоҳ Самарқандийнинг «Жоме ал-усул фи баён ал-қавоид ал-ҳанафия ва аш-шофеия фи усул ал-фиқҳ» номли китоби унинг энг машҳур асари бўлиб, унда икки фиқҳий мазҳаб ҳанафий ва шофеийларда баъзи масалаларга турли қарашлар орқали ечим берилиши ҳамда ҳукм чиқаришида қўлланиладиган услублар ҳақида сўз юритилган. Аллома мазкур асарни ёзишида Имом Мотуридий, Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий ал-Жассос, Абу Зубайд Дабусий ва бошқа шу каби олимларнинг асарларидан фойдаланган.

Калим сўзлар: Мовароуннахр, Хуросон, Бағдод, фиқҳ, усул ал-фиқҳ, калом, тафсир, балогат, «Жоме ал-усул», «Зоҳирия», «Нурия».

Abstract. Ruknuddin Ubaidullah ibn Muhammad Samarkandi, who lived in the VII/XIII centuries in the lands of Mawarannahr, Khorasan, and was considered a prominent scholar of his time, left a great legacy in usul al-fiqh and other sciences. The works written by the scholar show to what extent he was a broad-minded and enlightened person. Until now, his works in manuscript form have been studied by researchers and are among the primary sources of Hanafi jurisprudence and Maturidi creed.

Ruknuddin Ubaidullah Samarkandi's book "Jami' al-usul fi bayan al-qawaid al-hanafiyya wa ash-shafi'iyya fi usul al-fiqh" is his most famous work, in which some issues are solved through different views in the two schools of jurisprudence, Hanafi and Shafi'i, and the methods used in the rulings are discussed. Samarkandi used the works of Imam Maturidi, Abu Bakr Ahmad ibn Ali Radi al-Jassas, Abu Zubayd Dabusi and other such scholars in writing this work.

Keywords: Mawarannahr, Khorasan, Baghdad, fiqh, usul al-fiqh, kalam, tafsir, balagha, «Jami' al-usul», «Zahiriyya», «Nuriyya».

Аннотация. Рукниддин Убайдуллах ибн Муҳаммад Самарқанди, живший в VII/XIII веках в землях Мавераннахре и Хорасана и считавшийся видным учёным своего времени, оставил большое наследие по усуль аль-фикху и по другим исламским наукам. Труды, написанные ученым, показывают, насколько он был широко мыслящим и просвещённым учёным своего века. До сих пор его труды в рукописной форме изучаются исследователями и являются одними из первоисточников ханафитской юриспруденции и учения матуридизма.

Книга Рукниддина Убайдуллаха Самарқанди «Джами аль-усуль фи баян аль-каваид аль-ханафия ва-ш-шафиия фи усуль аль-фикх» — его самая известная работа, в которой некоторые вопросы решаются с помощью различных взглядов в двух мазхабах: ханафитской и шафиитской школы. При написании этого труда ученый использовал работы Имама Мотуриди, Абу Бакра Ахмада ибн Али Рази Джассаса, Абу Зубейда Дабуси и других ученых.

Ключевые слова: Мавераннахр, Хурасан, Багдад, фикх, усуль ал-фиқҳ, калам, тафсир, балагат, «Джами аль-усуль», «Захирия», «Нурия».

ва улум ал-Қуръонда моҳир бўлган олим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Рукнуддин Самарқандий ҳақидаги маълумотлар кўплаб тарожим ва табақот китобларида келтирилган. Улардан баъзилари Салоҳуддин Халил ибн Абик Сафдийнинг (696-764/1296-1263 й.) «Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر» (Салоҳуддин Сафдий, 1998:677) ва «ал-Вофий би-л-вафаёт» (Салоҳуддин Сафдий, 2000:44-271), Аҳмад ибн

Яҳё Шаҳобуддин Умарийнинг (700-749/1301-1349 й.) «Масолик ал-абсор фи мамолик ал-амсор» асарида (Аҳмад Умарий, 2002:490), Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айнийнинг (726-855/1261-1451 й.) «Уқуд ал-жумон фи тарих аҳл аз-замон» (Бадруддин Айний, 1987:251), Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (773-852/1372-1448 й.) «ад-Дурар ал-комина фи аъён ал-миат ас-сомина» (Ибн Ҳажар Асқалоний, 1972:155) ва «ал-Исоба фи

тамйиз ас-саҳоба» номли асарида Имом Заҳабий Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийдан қилган ривояти (Ибн Ҳажар Асқалоний, 1995:436), Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу Мафохир Нуаймий Дамашкийнинг (845-927/1442-1521 йй.) «ад-Дорис фи тарих ал-мадорис» (Абдулқодир Димашкий, 1990:419), Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрийнинг (ваф. 966/1559 й.) «Тарих ал-хамис фи аҳвол ан-нафис» (Ҳусайн Диёрбакрий, 1930:381), Абу Абдуллоҳ Бадруддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркашийнинг (745-794/1344-1396 йй.) «Салосил аз-заҳаб» (Бадруддин Заркаший, 2002:165) ва бошқалардир.

Олимнинг тўлиқ исми аллома шайх Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Самарқандий Ҳанафийдир. Юсуф ибн Тангриберди (784-813/1410-1460 йй.) ўзининг «ал-Манҳал ас-сафий ва-л-муставфий баъд ал-вафий» асарида «Боршоҳ» номини ҳам қўшиб, шундай дейди: «Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад шайх, имом, обид, зоҳид Рукнуддин Боршоҳ Самарқандий Ҳанафий Дамашққа келиб, дастлаб «Зоҳирия» сўнгра «Нурия» мадрасасида дарс берган» (Бадруддин Заркаший, 2002:165). Алломанинг «Боршоҳ» таҳаллуси Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрийнинг «Тарих ал-хамис фи аҳвал ан-нафис» асарида «Борсо» номи билан ҳам келтирилган (Ҳусайн Диёрбакрий, 1930:381).

Мовароуннаҳр диёрида етишиб чиққан Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Имом Косоний, Имом Насафий, Имом Сарахсий каби ва яна бошқа кўплаб олимлар ўзгалар томонидан турли таҳаллуслар билан аталгани каби Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий ҳам табақот ва тарожим китобларида бир қанча таҳаллуслар билан зикр қилинган. Қуйида уларнинг баъзилари келтирилади. Улардан энг машҳури «Рукнуддин» бўлиб, олимнинг бу таҳаллуси Абу Муҳаммад Тоййиб ибн Абдуллоҳнинг (870-947/1466-1541 йй.) «Қилодат ан-наҳр фи вафаёт аъён ад-даҳр» (Абу Муҳаммад ат-Тоййиб, 2008:230), Салоҳуддин Халил ибн Абик Сафдийнинг «Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر» (Салоҳуддин Сафдий, 1998:677-207) ва «ал-Вофий би-л-вафаёт» (Салоҳуддин Сафдий, 2000:44-271), Абдулқодир ибн Муҳаммад Қурашийнинг (696-775/1297-1273 йй.) «ал-Жавохир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия» (Абдулқодир Қураший, 2007:212), Умар ибн Ризо Каҳҳола (1332-1408/1905-1987 йй.)нинг «Мўъжам ал-муаллифин» асарида келтирилиб,

айнан шу асарда олимнинг исми хато тарзда «Абдуллоҳ» деб келтирилган (Умар ибн Ризо Каҳҳола, 2011:121). Олимнинг кейинги таҳаллус «Валийюддин» бўлиб, Абул Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир (700-774/1301-1373 йй.) ўзининг «ал-Бидоя ва-н-нихоя» китобида (Ибн Касир, 2003:741) бунга қўшимча ўларок, Ибн Касир Убайдуллоҳ Самарқандийни «Зайнуддин» таҳаллуси билан ҳам қайд этган (Ибн Касир, 2003:741). Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «ад-Дуар ал-комина» (Ибн Ҳажар Асқалоний, 1972:242) ва Такиюддин ибн Абдулқодир Ғозийнинг (ваф. 1010/1601 йй.) «ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия» асарида ҳам олим «Валийюддин» номи билан келтирилган (Такиюддин Ғозий, 2020:428). Абдулқодир Қураший «ал-Жавохир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия» асарида юқоридаги «Рукнуддин» таҳаллусига қўшимча тарзда «Закийюддин» таҳаллусини ҳам қўшиб келтирган (Абдулқодир Қураший, 2007:212).

Олим ҳақида келтирган барча манбаларда Рукнуддин Убайдуллоҳ Самарқанд шахрига нисбаси берилсада, унинг туғилган йили ҳақидаги маълумотни топиш қийин. Деярли, ҳеч бир табақот ва тарожим китобларида олимнинг туғилган йили борасида хабарлар келмаган.

Ҳаётининг аксар қисми ибодат, илм олиш ва таълим бериш, фикҳ, усул-ал-фикҳ, балоғат каби фанларга оид асарлар тасниф қилиш билан ўтказган шайх Рукнуддин Самарқандий 701/1301 йили мазлум ҳолатда «Зоҳирия» мадрасасида ўлдирилган.

Олимнинг вафоти ҳақида манбаларда бир қанча маълумотлар келтирилган бўлиб, «701 йил, ражаб ойида (1301 йил, октябрь) ҳанафий мазҳаби шайхи аллома Рукнуддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий Борсо «Зоҳирия» мадрасасида мударрислик қилиб турган чоғида, пуллари ўмарилиб, жасади мадраса ҳовузига улоқтирилиб юборилган. Бир муддат ўтиб, олимни ўлдирган киши топилиб, у «Зоҳирия мадрасаси» қўриқчиси экани ошкор бўлди. Сўнгра, уни айни жойда ўлим жазосига тортилди» (Ҳусайн Диёрбакрий, 1930:381). Бундан ташқари, Салоҳуддин Халил ибн Абик Сафдий Юсуф ибн Тангрибердининг келтиришича олимнинг қотили «Али Ҳавроний» исмли шахс экани, ҳамда унинг ўзи қатл воқеасидан икки ой ўтиб сўроққа тутилганида гуноҳини эътироф этгани ҳақидаги қайдлар учрайди. Али Ҳавронийнинг олимни ўлдиришдан асл мақсади Рукнуддин Убайдуллоҳнинг молига эғалик қилиш бўлган.

Олим унга қаршилиқ кўрсатганида, уни ўлдириб, мадраса ҳовузига улоқтирган» (Юсуф ибн Тангриберди, 1984:476). Ибодатга ҳарис, илм беришда илдам, ўзидан кўплаб асарлар қолдирган Шайх Рукнидин Убайдуллоҳ шу тарзда вафот топган.

Ҳар бир забардаст алломанинг ортида уни юксак илм даражага чиққунига қадар тўғри йўл ва кўрсатмалар берган устозлари бўлиши табиий ҳолдир. Шогирднинг пухта ва серғайрат бўлиб етишиб чиқиши ва илмда пешқадам бўлиши бевосита устознинг шогирдга кўрсатган таъсирига боғлиқ. Хусусан, устоз мустаҳкам имон-этикодли, кўп илмни қамраб олган, соғлом ва мустақил фикрга эга инсон бўлиши фазилат ҳисобланади. Шунингдек, устознинг талабаларга нисбатан тавозели бўлиб, меҳр кўрсатиши талабанинг дарсларни пухта ўзлаштиришида ва унинг комил инсон сифатида шаклланишидаги муҳим омиллардандир.

Ҳозирги кунгача етиб келган, тадқиқотчилар томонидан ўрганилган манбаларда Рукнидин Самарқандийнинг устозлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. Бадруддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркашийнинг «Салосил заҳаб» (Бадруддин Заркаший, 2002:165), Ҳожи Халифанинг «Кашф зунун аън асама ал-кутуб ва ал-фунун» каби ва бошқа тарожим асарларда олимнинг устози сифатида «Ибн Сатай» номи билан машҳур Аҳмад ибн Али ибн Тағлаб ибн Абу Зиё Бағдодийнинг (ваф. 694/1295 й.) таржима-и ҳоли келтирилади. Улардан бири сифатида Абу Фидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуганинг (802-879/1399-1474 й.) «Тож ат-тарожим» асарида шундай дейилган: «Аҳмад ибн Али ибн Тағлаб ибн Абу Зиё Музаффаруддин Ибн Сатай Бағдодий асли Баълабаккалик. Бағдод шаҳрида яшаб, ижод қилган. Фикҳ илмини чуқур ўрганган» (Абу Фидо Қутлубуғо, 1992:95).

Абу Зиё Музаффаруддин устозлари сифатида, Тожуддин Али ибн Санжар (ваф. 661/1263 й.), «ал-Фатаво аз-Зоҳирия» муаллифи Заҳируддин Муҳаммад Бухорий (ваф. 562/1166 й.), Ҳасан Қозихон (ваф. 592/1196 й.), Ҳасан ибн Али Марғиноний (ваф. номаълум), Имом Сарахсийлар (ваф. 501/1107 й.) ҳам келтирилади.

Жумладан, Абу Зиё Музаффаруддин «Мажма ал-баҳрайн ва ал-мултақо ан-наҳрайн» асари муаллифи ҳисобланади. Ўз навбатида ушбу китоб Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий (362-

428/973-1037 й.) томонидан ёзилган «Мухтасар ал-Қудурий фи ал-фикҳ ал-ҳанафий» ва Абу Ҳафс Насафийнинг (461-537/1069-1142 й.) «ал-Манзума фи ал-хилофият» китобларида қайд этилган масалаларни ўзида жамлаб, мухтасар шаклда ёзилган икки жилдли асар ҳисобланади.

Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аз-зунун» номли асарида ҳанафий мазҳабидаги фикҳий китоблар қаторида аллома Музаффаруддиннинг «Мажма ал-баҳрайн ва мултақо ан-наҳрайн» асарини келтириб, қуйидагиларни айтади: «Муаллиф бу асарни 690/1291 йили ёзиб тамомлаган. Мажма ал-баҳрайн китоби тамомила қисқалигидан ёдлашга осон, сўзлари ақл бовар қилмас даражада мўъжазлигидан шарҳлаш қийин бўлган ҳамда ўзида кўплаб масалаларни қамраб олган, бебаҳо асардир» (Ҳожи Халифа, 1999:1599).

Олимнинг усул ал-фикҳ илмига оид «Ниҳоя ал-вусул ила илми ал-усул» номи билан машҳур «ал-Бадиъ фи усул ал-фикҳ» асари ҳам бўлиб, бу асарнинг ўзига хос жиҳати, унда Фаҳрулислом Али Баздавийнинг (461-537/1069-1143 й.) «ал-Усул» ва Али ибн Муҳаммад Оمودийнинг (551-631/1156-1234 йй.) «ал-Эҳком фи усул ал-аҳком» асарларида келтирилган маълумотлар изоҳланиб, шарҳлаб кетилган (Ҳожи Халифа, 1999:1599). Абу Зиё Музаффаруддин 694/1295 йили вафот этган. Унинг қабри Бағдодда жойлашган бўлиб, буюк мутасаввиф олим Жунайд Бағдодийнинг (ваф. 298/911 й.) қабрига яқин жойга қўйилган.

Аллома Рукнуддин Самарқандий «Зоҳирия» ва «Нурия» мадрасаларида дарс бериб, талабалар учун узоқ муддат давомида илм давралари ташкил қилган. У пайтда олимнинг илмидан кўп инсонлар манфаат олган. Лекин, унинг устозлари ҳақида маълумотлар кам бўлгани каби, шогирдлари ҳақида ҳам етарлича қайдлар келтирилмаган. Туркиядаги «Сулаймония» кутубхонаси «Асъад афанди» фонди №1695 рақами остида сақланаётган қўлёзманинг 82-б ва 83-а бетида келтирилишича, Рукнуддин Самарқандийнинг шогирди, дея Яҳё ибн Сулаймон ибн Али Румий Арзанжоний келтирилади.

Яҳё ибн Сулаймон ҳақида табақот ва тарожим асарларида Абдулқодир Қурашийнинг «ал-Жавоҳир ал-музия» (Абдулқодир Қураший, 2007:212) Ибн Ҳажар Аскалонийнинг «ад-Дурар ал-комина фи аъён ал-миат ас-сомина» (Ибн Ҳажар Аскалоний, 1972:242), Юсуф ибн

Тангрибердининг «ал-Манхал ас-софий» (Юсуф ибн Тангриберди, 1984:476) каби асарларда маълумотлар келтирилган.

Хусусан, «ал-Жавоҳир ал-музия»да: «Асмар»номи билан машхур, «Мухйиддин» деб аталган, факих, имом Яҳё ибн Сулаймон ибн Али Румий Азаржоний Рамазон ойининг учинчи куни, хижрий 728 йил (мил. 1328 йил, ўн биринчи июль) да вафот этган. Дамашқ шаҳридаги Қосиюн даҳасига дафн этилган. Олим Абу Аббос Аҳмад Саружийнинг қўлида фикҳ илмини ва шайх Рукнуддин Самарқандийнинг ҳузурида эса усул илмини ўргангани келтирилган (Абдулқодир Қураший, 2007:213).

Рукнуддин Самарқандий илк сабоқларни Самарқанд ўзлаштирган. Сўнгра Бағдод шаҳрига илм учун сафар қилиб, ўша ерда бир қанча олимларнинг илм ҳалқаларида иштирок этган. Юқорида унинг устози дея зикр қилинган Шайх Музаффаруддин Рукнуддин Убайдуллоҳга Бағдод шаҳридаги «Мустансирия» мадрасасида устозлик қилган. Аллома Рукнуддин Самарқандий устози Музаффаруддиннинг қўлида таҳсил олиб, 690/1291 йили устозининг «Мажма ал-баҳрайн» ва «Мултақо ан-наҳрайн» номли китобларини ривоят қилиш учун ижоза олган (Абдулқодир Қураший, 2007:212). Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавийнинг «Катоиб аълом ал-ахбор мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор» китобида келтирилишича, Шайх Музаффаруддин шогирди Рукнуддин Самарқандийнинг дарс олиш чоғида ривоятларни ва қарашларни кучли деб топган. Устози Рукнуддин Самарқандийга берган ижоза варақасида қуйидаги сўзларни унга васият қилади:

«У (Рукнуддин Самарқандий) икки китобнинг бирида учраган лафз ёки бирор бир маънони инкор қилишга шошилмасин. Шунга қўра, мен унга нақлларни таҳрир қилишга ёки улардаги сўзлар ва ривоятлардан тўғрироғини танлашини сўраб қоламан» (Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий, 2017:423).

Устозининг васиятидан етарлича хулоса олган Рукнуддин Самарқандий ўз асарларини ёзишда ўта эҳтиёткорона ёндашади. Амалий ва назарий томонлар яъни эътиқод ва амал борасида ҳам устозининг мазҳабини тутган олим ҳанафий фақиҳлари орасида улуғ мартаба ва юксак мақомга эришади. Маълум муддат Бағдод таълим олган Рукнуддин Самарқандий VII/XIII асрнинг сўнгида илмий фаолиятини Дамашқдаги «Зоҳирия» мадрасасида дарс

бериш билан бошлайди. Мадрасада олимнинг талабалар билан дарс олиб борадиган илм ҳалқалари бўлиб, узоқ муддат шу йўсинда давом этган. Кўплаб инсонлар шайх Рукнуддиннинг илмидан ва динидан манфаат олган (Салоҳуддин Сафдий, 1998:677-207).

Абдулқодир ибн Аҳмад ибн Мустафо (ваф. 1346/1927 й.) ўзининг «Мунодамот ал-атлол ва мусомарот ал-хаёл» китобида илм даргоҳларига қилган сафарларини келтириб, уларнинг орасида «Зоҳирия» мадрасасини ҳам эслаб ўтган. Муаллиф мадрасани келтирар экан, шундай дейди: «Зоҳирия мадрасаси икки йўналишга яъни ҳанафий ва шофеий фикҳларига бўлинган. У ерда «ал-Жоме ас-сағир» соҳиби Садруддин Азройи ва ундан кейин олти устозлар дарс беришади. Улардан бири ўз замонида ҳанафий шайхи ҳисобланган Рукнуддин Самарқандийдир» (Абдулқодир Мустафо, 1985:181).

МУҲОКАМА

Ҳар бир олимнинг қолдирган илмий мероси унинг характерини очиб берувчи энг муҳим белги сифатида эътироф қилинади. Шунингдек, бир олим томонидан ёзилган асарлар шу олимнинг вафотидан сўнг хотирасини жонлантирадиган, номини абадийлаштирадиган восита ўлароқ хизмат қилади.

Аллома Самарқандийнинг турли соҳаларда асарлар ёзиб, кўпдан-кўп китоблар муаллифи ҳисобланиши унинг қанчалик даражада дунёқараши кенг, кўплаб соҳаларда етук олим эканини кўрсатади. Олимга берилган Аллоҳнинг икромии бисёр бўлиб, улардан бири сифатида ўзидан кейин ислом умматига қолдирган илмий меросини қайд этиш ўринлидир. Қуйида келтириладиган асарлар ҳам, олимнинг қанчалик илмда мустаҳкам, замонасининг улуғ олим эканини кўрсатади.

1. Фикҳ ва усул ал-фикҳ илмига доир асарлари:

а. Жоме ал-усул фи баён ал-қавоид ал-ҳанафия ва-ш-шофеия фи усул ал-фикҳ.

Хилоф илмига доир ушбу асар мадраса талабалари учун ёзилган бўлиб, унда ҳанафий ва шофеийлар ўртасидаги мазҳаб ихтилофлари ҳақида сўз юритилган. Асарнинг ёзилиш сабаби борасида муаллифнинг ўзи муқаддимада қуйидагича баён қилади: «Баъзи дўстларим талабалар икки мазҳабнинг манбалари ва усулларини енгил ўзлаштиришлари учун Имом

Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳамда Имом Шофеий раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳаблари орасидаги фикҳий масалаларга оид қоидаларни жамлаб беришимни илтимос қилишди. Натижада, ал-Ваҳҳоб бўлган Зот Аллоҳ таолодан ушбу иш сабабли хотимамни гўзал қилишини умид қилган ҳолда, китоб ёзишга киришдим» (Рукнуддин Убайдуллоҳ, 2020:61).

Муаллифнинг «Жоме ал-усул фи баён ал-қавоид ал-ҳанафия ва аш-шофеия фи усул ал-фикҳ» асари мутакаллимлар, фақиҳларнинг услубларини жамлага оид бўлиб, ўзида икки мазҳаб ҳанафий ва шофеийларнинг услубларини тўлақонли қамраб олгани унинг қийматини янада зиёда қилган. Мазкур асар усул ал-фтоҳ илмидаги муҳим китоблардан бири ҳисобланади. Лекин, асарнинг улуғ аҳамияти, буюк мартабаси асарнинг қийматига мувофиқ ошкор қилинмаган. Бу борада Мулла Али Қори (930-1014/1523-1605 йй.) Рукнуддин Самарқандийнинг таржима-и ҳолида қуйидагиларни келтириб ўтган: «Рукнуддин Самарқандийнинг усул илмига оид қимматбаҳо асари бор» (Мулла Али Қори, 2017:121).

Рукнуддин Убайдуллоҳ Самарқандий ушбу асарида Имом Паздавийни исмни ўн саккиз мартаба, Имом Сарахсийнинг исмини эса ўн тўрт мартаба очик зикр қилиб ўтган. Шунингдек, муаллиф Имом Мотуридийнинг (ваф. 333/994 йй.) «Таъвилот ал-Қуръан», Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий Жассоснинг (ваф. 370/981.) «ал-Фусул фи ал-усул», Абу Зубайд Дабусийнинг (ваф. 430/1039 йй.) «Тақвим ал-адилла», Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (ваф. 505/1111 йй.) «ал-Мустасфо фи усул ал-фикҳ» номли асарлардан ҳам фойдаланган (Рукнуддин Убайдуллоҳ, 2020:61).

б. Талхис Жоме ал-усул.

Бу асар юқоридаги «Жоме ал-усул» нинг мухтасар шакли ҳисобланиб, Рукнуддин Самарқандий «Жоме ал-усул» китобини ёзганидан сўнг, унинг баъзи шериклари муаллифдан ушбу асарни қисқартириб беришни сўрашади. Уларнинг илтимосига биноан Самарқандий «Жоме ал-усул» асарини қисқартирган ҳолда китобини ёзади.

Олим «Талхис Жоме ал-усул» асарида «Жоме ал-усул»даги асосий мавзуларни келтириш билан кифояланган. Келтирилган масалаларнинг мўъжаз тарзда баён қилинишидан асосий мақсад талабаларнинг китоб матнини осон ва тез ёдлаб олишлари ҳамда ундаги муҳим жойларни пухта ўзлаштириши бўлган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар Истанбулдаги «Сулаймония» кутубхонасида «Қосим Фотиҳ» фонди №1695-тўпламнинг 1116-133а саҳифаларида, Мисрдаги «Дор ал-кутуб ал-мисрия» кутубхонасининг «Темурийлар» бўлимида №1000 рақам остида қайд қилинган.

в. «Рисола фи ҳуруф ал-маоний ва мо ялҳақу биҳо мин ал-адаво».

Алломанинг қийматли бу асари араб грамматикасига оид бўлиб, унда шарт юкламалари, ўрин-жой ҳолатларини ифодаловчи воситалар, истисно юкламалари, шарт майли юкламалари ва боғловчи юкламалар келтирилган. Рукнуддин Убайдуллоҳ юқоридаги юкламаларни фикҳий мисоллар орқали, батафсил шарҳлаб берган.

г. Мулаххас мин Шарҳ маоний ал-осор.

Олимнинг бу асари Имом Таҳовийнинг (238-321/852-933 йй.) «Шарҳ маоний ал-осор» асарининг қисқартмаси ҳисобланади. Имом Таҳовий асарда ҳадислардан олинадиган ҳукмлар ва фақиҳлар ўртасида ўзаро ихтилофли масалаларни келтирган бўлиб, китобни фикҳий боблар бўйича тартиблаган.

«Шарҳ маоний ал-осор» асарида Расулуллоҳ (с.а.в.)дан фикҳий ҳукмларга оид ривоят қилинган ҳадислар ўрин олган. Муаллиф ҳукми насх бўлганларидан мансуҳини, мутлақ ҳадислардан муқайядини келтириб, улардан қай бирига амал қилиш вожиб эканини ҳамда амал қилиш вожиб деб қўрилмаган ҳадисларни келтириб ўтган. Асарнинг қўлёзма нусхаси «Сулаймония» кутубхонасида «Файзуллоҳ афанди» фонди №931 рақам остида сақланмоқда.

д. Рисола фи-л-қавоид ал-фикҳия

Ушбу рисолада Рукнуддин Убайдуллоҳ Самарқандий фикҳий қоидалар ва усул асосларини келтириб ўтган. Муаллифнинг таъкидлашича бўйича, рисоладан қўзланган асосий мақсад талабаларнинг фикҳий қоидаларни пухта ва енгил ўзлаштиришларидир. Рисоланинг учта қўлёзма нусхаси бўлиб, биринчиси «Сулаймония» кутубхонасида «Ҳожи Башир Оға» фонди №192 мажмуанинг 206б-210а саҳифаларида, «Асъад афанди» фонди №3896 мажмуанинг 76а-79а саҳифаларида, «Мурод мулла» фонди №641 мажмуанинг 134б-137а саҳифаларида қайд этилган.

2. Тафсир ва Қуръон илмларига оид асарлари

а. Тафсир ғароиб маоний ал-Қуръон.

Ушбу асарда Рукнуддин Убайдуллоҳ Қуръони каримнинг ҳар бир оятда қўлланилган сўз ва иборалар маъно жиҳатидан кишиларни ожиз қолдирувчи эканини изоҳлаб берган. Шунингдек, муаллиф Қуръони каримдаги ҳар бир оят мўъжиза, ибрат, инсонни ҳайратга солувчи ажойиб ишлардан иборат муқаддас китоблигига оид далил ва мисоллар келтирган.

б. Эъжоз ал-Қуръон ал-карим.

Ушбу мўъжаз рисолада Қуръони карим оятларининг хусусан 30-жуз (Амма пораси) даги сураларнинг маъноларига балоғат илми юзасидан изоҳ ва шарҳлар келтирилган. Рукнуддин Самарқандий рисола таълиф қилиш сабабини ва асарнинг қисқача мазмунини ҳақида: «Қуйидаги Қуръоннинг охириги сураларида (балоғат илмидаги) маоний ва баён илмига оид масалаларни ҳамда бу сураларда яширинган фойдаларни келтиришни ирода қилдим», дея айтиб ўтган.

3. Ақида, калом ва тасаввуф илмига оид асарлари

а. ал-Ақида ар-Рукния фи шарҳ «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ»

Алломанинг ушбу асари Мотуридийлик таълимотидаги мутааххир- кейин ёзилган асар ҳисобланади. «ал-Ақидату ар-Рукния фи шарҳ Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ» нинг ўзига хос хусусияти шундаки, асарда бошқа калом илмига доир асарларда учрамайдиган мавзуларни кўриш мумкин. Асар бир муқаддима ва уч бобни ўз ичига олади.

ХУЛОСА

Ўз даврида ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан бири сифатида танилган Убайдуллоҳ Самарқандий калом, фикҳ, усул ал-фикҳ тафсир, ҳадис ва тасаввуф илмларини эгаллади, бу илмлар бўйича асарлар таълиф этди. Олим ёзган асарлари талабалар томонидан осон тушунилишини инобатга олган ҳолда уларни тизимли услубда ёзган. Калом илмига оид асарларида Абу Мансур Мотуридийни «Имом ал-худа» номи билан зикр қилиб, унинг баъзи қарашларини нақл қилган.

Шунингдек, Абу Лайс Самарқандий, Абул Юср Паздавий, Абул Муъин Насафий каби

мотуридийлик намояндаларига ҳам мурожаат қилган ҳолда уларнинг қарашларига ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бундан ташқари муҳолиф мазҳаб ва оқимларга қарши мотуридийлик таълимоти олимлари сафида туриб, ашъарийлик таълимотидаги баъзи масалаларга ўз фикрини билдириб, танқид қилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Рукнуддин Убайдуллоҳ Самарқандийни ўз даврида мотуридийлик мактабининг кўзга кўринган вакили сифатида эътироф этилганини хулоса қилиш ўринлидир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулқодир ибн Муҳаммад Кураший. (2007). ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия. Карачи, Мир Муҳаммад кутубхонаси.
2. Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу Мафохир Нуаймий Димашкий. (1990). ад-Дорис фи тарих ал-мадорис // Иброҳим Шамсуддин таҳқиқи. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
3. Абу Муҳаммад Таййиб ибн Абдуллоҳ. (2008). Қилодат ан-наҳр фи вафоёт аъён ад-дахр. Ж. 2. Жидда: Дор ал-минҳаж.
4. Абул Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир. (2003). ал-Бидоя ва ан-ниҳоя // Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин ат-Туркий таҳқиқи. Ж. 17. Гиза: Дор ҳажар.
5. Абу Фидо Зайнуддин Қосим ибн Кутлубуғо. (1992). Тож ат-тарожим // Муҳаммад Хайр Рамазон Юсуф таҳқиқи. Дамашк: Дор ал-қалам.
6. Абдулқодир ибн Аҳмад ибн Мустафо. Мунодамаат ал-атлол ва мусомарот ал-хаёл // Зуҳайр Шовиш таҳқиқи. (1985). Байрут: ал-Мактаб ал-исламий.
7. Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарий. (2002). Масолик ал-абсор фи мамолик ал-амсор. Ж. 2. Абу Даби: ал-Мажма ас-сақофий.
8. Бадруддин Маҳмуд Айний. (1987). Уқуд ал-жумон фи тарих аҳл аз-замон // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. Ж. 4. Қоҳира: Марказ таҳқиқ ат-турос.
9. Ибн Ҳажар Асқалоний. (1972). ад-Дурар ал-комина фи аъён ал-миат ас-сомина // Муҳаммад Абдулмуийд Дон таҳқиқи. Ж. 3. Ҳайдаробод: Мажлис доират ал-маориф ал-усмония.
10. Ибн Ҳажар Асқалоний. (1995). ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба // Одил Аҳмад Абдулмавжуд ва Али Муҳаммад Муаввад таҳқиқи. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
11. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. (2017). Катойб аълом ал-ахбор мин фуқоҳаи мазҳаб ан-Нўмон ал-мухтор // Софва Қўса таҳқиқи. Ж. 3. Истанбул: Мактабат ал-иршод.

12. Салоҳуддин Халил ибн Абик Сафдий.(1998). Аъён ал-аср ва аъвон ан-наsr // Д. Али Абу Зайд ва бошқ. таҳқиқи. Ж. 1. Дамашқ: Дор ал-фикр.
13. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ғозий.(2020). ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия // Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв. Ж. 3. Ҳалаб: Дор ар-рифой.
14. Умар ибн Ризо Каҳола. (2011). Мўъжам ал-муаллифин. Ж. 6. Байрут: Дор ихё ат-турос.
15. Юсуф ибн Тангриберди. (1984). ал-Манҳал ас-сафий ва ал-муставфий баъда ал-вафий // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. Ж. 7. Миср: Ҳайъат ал-мисрия ал-аммати лил кутуб.
16. Ҳожи Халифа. (1999). Кашф аз-зунун ан асами ал-кутуб ва ал-фунун. Ж. 2. Бағдод: Мактабат ал-мусанно.
17. Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. (1930.) Тарих ал-хамис фи аҳвол ан-нафис. Ж. 2. Байрут: Дор содир.
12. Salahuddin Khalil ibn Abik Safdi.(1998). A'yan al-asr wa a'wan an-nasr // ed. Ali Abu Zayd and others. Vol. 1. Damascus: Dar al-fikr.
13. Taqiyyuddin ibn Abdulqadir Ghazi.(2020). at-Tabaqat as-saniya fi tarajim al-hanafiya // ed. Abdulfattah Muhammad. Vol. 3. Aleppo: Dar ar-rifai.
14. Umar ibn Rida Kahhala. (2011). Mu'jam al-muallifin. Vol. 6. Beirut: Dar ihya at-turath.
15. Yusuf ibn Tangriberdi. (1984). al-Manhal as-safi wa al-mustawfi ba'da al-wafi// ed. Muhammad Muhammad Amin. Vol. 7. Egypt: Hay'at al-misriya al-a'mmati lil kutub.
16. Haji Khalifa.(1999). Kashf az-zunun a'n asami al-kutub wa al-funun. Vol. 2. Baghdad: Maktabat al-musanna.
17. Husayn ibn Muhammad ibn Hasan Diyarbakri. (1930). Tarikh al-khamis fi ahwal an-nafis. Vol. 2. Beirut: Dar sadir.

REFERENCES

1. Abdulqadir ibn Muhammad al-Qurashi. (2007). al-Jawahir al-mudiya fi tabaqat al-hanafiya. Karachi, Mir Muhammad Library.
2. Abdulqadir ibn Muhammad Abu Mafakhir Nua'ymi Dimashqi. (1990). Ad-Daris fi tarikh al-madaris // ed. Ibrahim Shamsuddin. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
3. Abu Muhammad Tayyib ibn Abdullah. (2008). Qiladat an-nahr fi wafayat a'yan ad-dahr. Vol. 2. Jeddah: Dar al-minhaj.
4. Abul Fida Ismail ibn Umar ibn Kathir. (2003). al-Bidaya wa an-nihaya // ed. Abdullah ibn Abdulmuhsin at-Turki. Vol. 17. Giza: Dar hajar.
5. Abu Fida Zaynuddin Qasim ibn Qutlubugha. (1992). Taj at-tarajim // ed. Muhammad Khayr Ramadan Yusuf. Damascus: Dar al-qalam.
6. Abdulqadir ibn Ahmad ibn Mustafa. Munadamat al-atlal wa musamarat al-khayal // ed. Zuhayr Shavish. (1985). Beirut: al-Maktab al-islami.
7. Ahmad ibn Yahya Shahabuddin Umari. (2002). Masalik al-absar fi mamalik al-amsar. Vol. 2. Abu Dhabi: al-Majma' ath-thaqafi.
8. Badruddin Mahmud Ayni. (1987). 'Iqd al-juman fi tarikh ahl az-zaman // ed. Muhammad Muhammad Amin. Vol. 4. Cairo: Markaz tahqiq at-turath.
9. Ibn Hajar Asqalani. (1972). ad-Durar al-kamina. Vol. 3. Haydarabad: Majlis dairat al-maarif al-uthmaniya.
10. Ibn Hajar Asqalani. (1995). al-Isaba fi tamyiz as-sahaba // ed. Adil Ahmad Abdulmawjud and Ali Muhammad Muawwad. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
11. Mahmud ibn Sulayman Kafawi. (2017). Kataib a'lam al-akhbar min fuqaha mazhab an-Nu'man al-mukhtar // ed. Safva Kosa. Vol. 3. Istanbul: Maktabat al-irshad.

